

## ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ИЖТИМОЙ ГАЗЕТА МАТНЛАРИДА КОНЦЕПТУАЛ МЕТАФОРЛАР: КОГНИТИВ-ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

*Сагатова Муборак Пайзидиновна*

*ЎзЖОКУ, Хорижий тиллар  
кафедраси катта ўқитувчиси*

**Аннотация:** Мақолада инглиз ва ўзбек тилларидаги ижтимоий газета матнларида қўлланиладиган концептуал метафоралар когнитив лингвистика нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Тадқиқотда медиадискурсда метафораларнинг жамоатчилик онгини шакллантиришдаги роли, ижтимоий воқеликни талқин қилишдаги аҳамияти ҳамда инглиз ва ўзбек газета матнларидаги метафорик моделларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари кўриб чиқилади. Таҳлил натижалари концептуал метафоралар медиадискурсда ижтимоий воқеликни когнитив моделлаштиришнинг муҳим воситаси эканлигини кўрсатади.

**Калит сўзлар:** концептуал метафора, медиадискурс, когнитив лингвистика, газета матни, ижтимоий муаммолар, қиёсий таҳлил

XXI аср лингвистикасида оммавий ахборот воситалари тилини ўрганиш алоҳида илмий йўналиш сифатида шаклланди. Газета матнлари жамоатчилик фикрини шакллантириш, ижтимоий воқеликни талқин қилиш ва аудиторияга таъсир кўрсатишда муҳим ўрин тутади. Медиаматнларда қўлланиладиган тил воситалари орасида метафоралар алоҳида аҳамиятга эга.

Концептуал метафора назариясига кўра, инсон абстракт тушунчаларни аниқ ва тажрибага асосланган моделлар орқали англайди. Шу сабабли медиаматнларда қўлланиладиган метафоралар жамиятдаги воқеликни қандай қабул қилинишига таъсир кўрсатади. Инглиз ва ўзбек газета матнларида концептуал метафораларни қиёсий таҳлил қилиш медиадискурснинг когнитив хусусиятларини аниқлашга хизмат қилади. Концептуал метафора назарияси илк бор G. Lakoff ва M. Johnson томонидан ишлаб чиқилган. Уларнинг таъкидлашича, метафора тилнинг эмас, балки инсон тафаккурининг асосий механизмларидан биридир. Медиадискурсни тадқиқ қилиш соҳасида Fairclough, Charteris-Black каби олимлар метафораларнинг жамоатчилик фикрига таъсирини таҳлил қилган. Ўзбек лингвистикасида эса медиадискурс ва когнитив таҳлил масалалари қатор тадқиқотчилар томонидан ўрганилмоқда. Жумладан, Сагатова М.П. медиаматнларда тил воситаларининг когнитив ва прагматик хусусиятларини

таҳлил қилган. Тадқиқотда қиёсий таҳлил, когнитив таҳлил ва дискурс таҳлили методларидан фойдаланилди.

Концептуал метафора назариясига кўра, метафора тилга эмас, аввало тафаккурга хос ҳодисадир. Лакофф ва Жонсон метафорани “бир концептуал доменни иккинчиси орқали англаш усули” сифатида таърифлайдилар. Масалан, *hayot yo'l, muammo - kasallik, siyosat – kurash* каби метафоралар инсоннинг абстракт тушунчаларни идрок этишига хизмат қилади. ОАВ дискурсида концептуал метафоралар ахборот беришдан ташқари, баҳолаш, ишонтириш ва таъсир кўрсатиш функцияларини ҳам бажаради. Ижтимоий газета матнлари эса жамиятдаги муаммоларни ёритишда метафорик моделларга кенг мурожаат қилади.

Материал сифатида инглиз тилидаги The Guardian, The Times ва The New York Times каби газета матнлари ҳамда ўзбек тилидаги «Халқ сўзи» ва «Янги Ўзбекистон» газеталаридаги ижтимоий мавзудаги мақолалар танлаб олинди. Таҳлил натижаларига кўра, инглиз газета матнларида ижтимоий муаммолар кўпинча "касаллик" метафораси орқали ифодаланади. Бундай ҳолларда қашшоқлик, коррупция ёки ишсизлик жамият саломатлигига таҳдид сифатида тасвирланади. Яна бир кенг тарқалган метафора — сиёсий жараёнларни "кураш" сифатида тасвирлашдир. Бу метафора сиёсий рақобат ва зиддиятларни кўрсатишга хизмат қилади. Ўзбек газета матнларида ҳам шунга ўхшаш метафоралар учрайди. Бироқ улар кўпроқ эмоционал ва баҳоловчи характерга эга. Масалан, ислоҳотлар "мураккаб йўл" ёки "кураш" сифатида талқин қилинади. Бу ҳолат миллий маданий тафаккур ва медиадискурс хусусиятлари билан боғлиқ.

Инглиз тилидаги ижтимоий газета матнлари (The Guardian, The Times, The New York Times ва бошқалар) таҳлили шуни кўрсатадики, ижтимоий муаммолар кўпинча қуйидаги концептуал метафоралар орқали ифодаланади: ***Social problem is a disease*** - бу метафора ижтимоий муаммоларни даволаниши лозим бўлган ҳолат сифатида кўрсатади. Масалан, қашшоқлик, коррупция ёки ишсизлик “жамият танасига ёпишган касаллик” сифатида талқин қилинади. ***Political process is a struggle*** - сиёсий жараёнлар рақобат, тўқнашув ва кураш сифатида тасвирланади. Бу метафора орқали сиёсий жараёнларнинг кескинлиги ва мураккаблиги таъкидланади. ***Social development is a journey*** - ижтимоий ривожланиш муайян мақсадга қаратилган ҳаракат сифатида ифодаланади. Бу метафора умид ва келажакка ишонч ғоясини кучайтиради.

Ўзбек тилидаги ижтимоий газета матнларида (Халқ сўзи, Янги Ўзбекистон ва бошқалар) концептуал метафоралар миллий дунёқараш ва маданий қадриятлар билан уйғун ҳолда қўлланилади. ***Ижтимоий муammo – касаллик*** - бу метафора ўзбек газета матнларида ҳам кенг тарқалган бўлиб, ижтимоий

муаммолар “жамият саломатлиги” нуқтаи назаридан баҳоланади. Ислоҳот – кураш - ислоҳотлар жараёни мураккаб ва машаққатли кураш сифатида талқин қилинади. Бу ерда жамоавий ҳаракат ва масъулият ғояси устувор.

Қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, икки тилда ҳам асосий манба доменлар ўхшаш. Бироқ уларнинг прагматик йўналиши фарқ қилади. Инглиз газета матнларида метафоралар кўпроқ таҳлилий ва рационал характерга эга бўлса, ўзбек матнларида улар эмоционал ва баҳоловчи хусусиятга эга. Бу фарқлар ҳар икки тилдаги ОАВнинг жамоатчиликка мурожаат қилиш услуби, миллий маданий анъаналари билан боғлиқ.

Тадқиқот натижалари инглиз ва ўзбек ижтимоий газета матнларида концептуал метафоралар ижтимоий воқеликни англашда муҳим когнитив механизм эканлигини кўрсатди. Икки тилда ҳам манба доменлар ўхшаш бўлса-да, уларнинг прагматик ва услубий қўлланилишида фарқлар кузатилади. Концептуал метафоралар медиадискурсда аудиторияга таъсир кўрсатиш ва жамоатчилик фикрини шакллантиришда муҳим восита ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Lakoff G., Johnson M. *Metaphors We Live By*. Chicago: University of Chicago Press, 1980.
2. Charteris-Black J. *Corpus Approaches to Critical Metaphor Analysis*. London, 2004.
3. Fairclough N. *Media Discourse*. London, 1995.
4. Сағатова М.П. *Оммавий ахборот воситалари тили ва дискурсив хусусиятлари*. Тошкент, 2021.
5. Сағатова М.П. *Медиадискурсда когнитив моделлар*. Тошкент, 2022.